

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил ноябрь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья М.Бобоев, судья ёрдамчиси Б.Носировнинг котиблигида, томонлардан Бухоро шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Б.Бобомуродов, жабрланувчи [REDACTED], судланувчи [REDACTED] иштирокида, [REDACTED] Учқуновичга нисбатан [REDACTED]-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] 1991 йил 15 сентябрь куни Гиждувон туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, муқаддам; жиноят ишлари бўйича Бухоро туман судининг 2018 йил 07 ноябрьдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддасининг 1-қисми, 25,28-211-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилб ЖК 59-моддасига асосан иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича бухоро шаҳар судининг 2019 йил 15 август кунги ажрими билан ўталмай қолган 1 йил 3 ой 18 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган, “Фавқулодда ҳолатларни олдини олиш” УК назоратчиси бўлиб ишловчи, [REDACTED]

[REDACTED] 2022 йил 27 сентябрда “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, 2022 йил 18 ноябрь куни қидирув эълон қилиниб, 23.11.2022 йилда қамоққа олинган, айблов далолатномаси нухасини 2022 йил 3 октябрь куни олган;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи [REDACTED] фуқаролик ишлари бўйича Гиждувон туманлараро судининг 26.03.2019 йилдаги ижро варақасига асосан ундирувчи [REDACTED] фойдасига вояга етмаган 2 нафар фарзандларининг таъминоти учун қарздорнинг ҳар



ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлсада, [REDACTED] вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаб, алимент маблағларини жами бўлиб 2 ойдан ортиқ муддат мобайнида 2020 йил 1 сентябрдан 2022 йил 1 мартга қадар бўлган давр мобайнида 7.786.093 сўм алимент тўловларини тўламаганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 08.04.2022 йилдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилганидан кейин, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан 01.03.2022 йилдан 01.09.2022 йилга қадар яъни, 2 ойдан ортиқ муддат мобайнида жами бўлиб 4.508.000 сўм алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Судланувчи [REDACTED] судда, айбига тўлиқ иқрорлигини билдириб, С [REDACTED] билан 2014 йилда қонуний никоҳдан ўтиб, оила қурганлигини, уларнинг биргаликдаги турмуши даврида 20.07.2015 йилда Учқунова Нодирабегим Жаҳонгир қизи ва 28.05.2018 йилда Учқунова Кумушбегим Жаҳонгир қизи исмли фарзандлари туғилганлигини, оилада турли келишмовчиликлар бўлиб турганлиги сабабли, 2021 йилда қонуний ажрашганликларини, фуқаролик ишлари бўйича Ғиждувон туманлараро судининг 26.03.2019 йилдаги суд буйруғига асосан ундирувчи Салимова Сарвиноз Бобир қизининг фойдасига вояга етмаган 2 нафар фарзандларининг моддий таъминоти учун ҳар ойдаги жами даромадининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланганлигини, у С.Салимовага имконияти борича алимент пулларини тўлаб келганлигини, бир муддат ишсиз бўлиб, даромади бўлмаганлиги сабабли уларга алимент тўлолмай қолганлигини, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 08.04.2022 йилдаги қарорига асосан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлигини, ҳозирда унинг алиментдан бўлган жами қарзи 13 млн. 472 минг 093 сўмни, шундан маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейинги алиментдан бўлган қарздорлиги 4 млн. 508 минг сўмни ташкил қилишини, ушбу пулларни тўлашга имконияти йўқлигини, қилмишидан пушаймонлигини, суддан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи С.Б.Салимова судда, Ж.Салимов билан 2014 йилда никоҳдан ўтиб, оила қурганлигини, уларнинг биргаликдаги турмуши даврида 20.07.2015 йилда Учқунова Нодирабегим Жаҳонгир қизи ва 28.05.2018 йилда Учқунова Кумушбегим Жаҳонгир қизи исмли фарзандлари туғилганлигини, турли келишмовчиликлар сабабли, улар 2021 йилда қонуний ажрашганликларини, фуқаролик ишлари бўйича Ғиждувон туманлараро судининг 26.03.2019 йилдаги суд буйруғига асосан қарздор Салимов Жаҳонгир Учқуновичдан унинг фойдасига вояга етмаган 2 нафар фарзандининг моддий таъминоти учун 1/3 қисми



миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлса-да, Ж.Салимов вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келаётганлигини, алимент маблағларини жами бўлиб 2 ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 08.04.2022 йилдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси билан унга нисбатан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганини, шундан кейин ҳам у ўзига тегишли хулоса чиқармасдан вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келаётганлигини, Ж.Салимовдан алимент пулларини ундириб берилишини, судланувчи Ж.Салимовга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб кўрсатув берди.

Гувоҳ Ҳ.Ҳ.Жамолов судда, МИБ Бухоро шаҳар бўлими давлат ижрочиси лавозимида ишлашини, фуқаролик ишлари бўйича Гиждувон туманлараро судининг 26.03.2019 йилдаги суд буйруғига асосан қарздор Ж.Салимовдан ундирувчи С.Салимованинг фойдасига вояга етмаган 2 нафар фарзандларининг таъминоти учун қарздорнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлса-да, Ж.Салимов вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаб, алимент маблағларини жами бўлиб 2 ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг 08.04.2022 йилдаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси билан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси қўлланилганидан кейин, ўзига тегишли хулоса чиқармасдан 01.03.2022 йилдан 01.09.2022 йилга қадар, яъни 2 ойдан ортиқ муддат мобайнида вояга етмаган фарзандларини моддий таъминлашдан бўйин товлаб келганлигини, унинг 06.09.2022 йилдаги алимент қарзини ҳисоблаш тўғрисидаги қарорига кўра қарздор Ж.Салимовнинг алиментдан бўлган жами қарзи 13 млн. 472 минг 093 сўми, шундан 4 млн. 508 минг сўми маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейинги қарздорлик суммасини ташкил қилишини, қарздор Ж.Салимов алимент тўловларини 2 ойдан ортиқ муддат мобайнида тўлашдан қасддан бўйин товлаб келаётганини, қарздор Ж.Салимовнинг алиментдан бўлган қарздорлигини тўлаб беришини сўраб бир неча маротаба унга огоҳлантириш хатлари юборилганлигини, қарздорнинг яшаш манзили ва мол-мулки кўздан кечирилганда қарздор яшаш манзилида бўлмаганлиги, унинг мол-мулки мавжуд эмаслиги аниқланганлигини, бундан ташқари, қарздор Ж.Салимовга бир неча маротаба ишга жойлашиши учун тумандаги бўш иш ўринлари таклиф қилинганда, у ишга жойлашиш истаги йўқлиги билдириб, таклиф қилинган ишларни рад қилганлигини, мазкур ҳолат юзасидан Бюронинг Бухоро шаҳар бўлими томонидан 12.09.2022 йилда Ж.Салимовга нисбатан жиноят иши қўзғатилганини айтиб кўрсатув берди.



Суд, давлат айбловчисининг фикрини, жабрланувчининг талабини, гувоҳни кўрсатувини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, судланувчи Ж.Салимовнинг жиноят содир этишдаги айби, ўзининг иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, дастлабки тергов ва судда сўроқ қилинган жабрланувчининг кўрсатувлари, Ёждувон туманлараро судининг 26.03.2019 йилдаги кунги ижро варақаси ва алимент қарзини ҳисоблаш қарори, огоҳлантириш хатлари, мол-мулкни кўздан кечириш далолатномаси, тушунтириш хатлари, тилхат ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Салимов Жаҳонгир Учқуновичнинг жиноий ҳаракатлари суриштирув органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ж.Салимовнинг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Ж.Салимовнинг ҳаракатларида жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ж.Салимовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда тарафлар фикрини тинглаб, содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини шунингдек, жабрланувчининг даъвоси борлигини, алимент қарздорлигини тўламаганлигини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларни инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддасининг 1-қисми билан модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни, фуқаролик ишлари бўйича Ёждувон туманлараро судининг 26.03.2019 йилдаги ижро варақасига асосан қарздор Ж.Салимовдан ундирувчи С.Салимованинг фойдасига вояга етмаган 2 нафар фарзандларининг таъминоти учун қарздорнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/3 қисми миқдоридан алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати юзасидан мажбурий ижро ҳаракатлари давом эттирилишини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 497¹-497⁴-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳукм қилади:

Салимов Жаҳонгир Учқунович (Salimov Jaxongir Uchqunovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.



Салимов Жаҳонгир Учқуновичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 122-моддасининг 1-қисми билан 10 /ўн/ ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо манзил колонияларида ўтаттирилсин.

Жазонинг ўташ муддати 2022 йил 23 ноябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Салимов Жаҳонгир Учқуновичга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач судланувчи Ж.Салимовдан жабрланувчи С.Салимова фойдасига 4.508.000 сўм ундирилсин.

Фуқаролик ишлари бўйича Ёшдувон туманлараро судининг 26.03.2019 йилдаги ижро варақасига асосан қарздор Ж.Салимовдан ундирувчи С.Салимованинг фойдасига вояга етмаган 2 нафар фарзандларининг таъминоти учун қарздорнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати юзасидан мажбурий ижро ҳаракатлари давом эттирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 /йигирма/ сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчига ҳукм нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Бухоро вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига апелляция тартибида, ҳукм апелляция тартибида кўриб чиқилиб, қонуний кучга кирганидан сўнг бевосита кассация инстанцияси судига – Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

М.Бобоев

